

## ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Шавкатжонов Иброт Шухрат ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич курсанти*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада биз Илгари судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирлари ҳуқуқий асослари таҳлилини амалга оширамиз ва мулоҳазаларимизни баён қиламиз.*

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқбузарлик, виктимологик профилактика, ҳуқуқшунос, чора-тадбир, принцип, субъект тавсифи, одам савдоси, экстремизм, терроризм, оммавий маданият.*

Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузган ва уларга амал қилишни истамаган ҳуқуқбузарлар, уларни бузишга кўпроқ мойил бўлган шахслар, шу жумладан маъмурий назоратда турувчи илгари судланган шахслар орасида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш борасида самарали профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш давр талабидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тўхталадиган бўлсак, бунда бир қанча нормалар белгилаб ўтилган бўлиб, Конституциянинг иккинчи бўлим, 18-моддасида шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши. Эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”<sup>26</sup>

Ушбу қоидалардан келиб чиқиб, илгари судланган шахслар билан ишлаш жараёнида ҳам уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини поймол қилиш мумкин эмас.

Профилактика инспекторларининг илгари судланган шахслар билан ишлаш фаолияти турли қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади, жумладан, жазони ўтаб қайтган, судланиш аломатига кўра маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи шахсларга нисбатан келгусида улар томонидан такрор жиноятлар содир этишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги 2019 йил 2 апрелдаги қонунида белгиланган тартибда суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади<sup>27</sup>.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т., 2022 й.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўтган йиллар ичида Асосий қомусимизга таяниб, республикамиз ички ишлар органлари тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Ушбу соҳага доир Конституция талаблари ижросини таъминлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, хусусан, Жиноят кодекси, ЖПК ва МЖТКлари муҳим ўрин тутди. Улар ички ишлар органлари илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари фаолиятини бевосита тартибга солишга хизмат қилмаса-да, ушбу соҳадаги айрим ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг махсус қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг содир этилганлиги ҳақида керакли процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ёки белгиланган тартибда кўриб чиқишга ваколатли органларга юбориш вазифаларини бажарадилар.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларни мазмун-моҳиятига кўра ўрганиш мумкин: Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари фаолиятининг йўналишларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар. Мустақиллик йилларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс жиҳатдан тартибга солувчи асосий қонун ҳисобланади. Қонунда умумий қоидалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, асосий принциплари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, якуний қоидалар белгилаб берилган<sup>28</sup>.

### АДАБИЁТЛАР:

1. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonun // 2014
2. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta‘minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Prezident Qarori // 2019
3. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay‘atining kengaytirilgan yig‘ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021
4. Арипова, А. Х. (2021). Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. Scientific progress, 1(6).

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL:<http://www.lex.uz>.